

ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ: имкониятлар етарли, ҳисоб-китоблар бор, режалар аниқ

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзеев вилоятда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан мурожаат қилди.

Тадбирда вилоят фаоллари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партиялар етакчилари, лидер тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, жорий йил 19 ноябрь кунин Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар асосида вилоят ҳудудини камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, шунингдек, бошқа қатор муҳим йўналишларда "Тошкент тажрибаси"ни яратиб устувор мақсад сифатида белгиланди.

Вилоят ҳоқими ўз мурожаатидида мазкур вазифалар ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва эришилаётган натижаларни атрафлича таҳлил қилди.



Қайд этилишича, вилоятда "Камбағал оилалар реестри"ни шакллантириш мақсадида 116 мингта оила сўровномадан ўтказилиб, улардан 43 минг 756 таси реестрга киритилган. 275 мингдан зиёд индивидуал хизматлар кўрсатилиши натижа-сида реестрдаги оилаларнинг 14 минг 871 таси камбағал-ликдан чиқарилди. Натижада

жорий йил ноябрь ҳолатига вилоятда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8 фоиздан 3,6 фоизгача камайди.

Шу билан бирга, ҳудудлар кесимида таҳлил қилинган-да, Зангиота (5,6 фоиз), Қуйи Чирчиқ (5,5 фоиз), Бекобод (5,4 фоиз) туманларида, шунингдек, Бекобод (5,6 фоиз) ва Оҳангарон (5,6 фоиз) шаҳар-

ларида кўрсаткич 5 фоиздан юқори бўлиб қолмоқда.

Вилоятдаги 7 минг 485 та камбағал оилага бириктирилган 1 минг 497 нафар раҳбарнинг амалий кўмаги орқали 2 минг 358 та оила реестрдан чиқарилди.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўттиз уч йиллигини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, фуқароларни унда белгиланган эзгу қадриятлар атрофида бирлаштириш, "Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий ҳамда бошқа тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида қарор қиламан:

1. Қуйидагилар:
а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ;
б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг (кейинги ўринларда – Ташкилий кўмита) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий кўмита (А.Арипов):
а) Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кўтаринки руҳда нишонланишини;
б) барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, бадий кечалар, фестиваллар, сайиллар, маданият ва спорт тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида атоқли илм-фан намояндалари, маданият ва санъат арбоблари, кекса ва ёш авлод вакиллари, таникли спортчиларни жалб этган ҳолда байрам тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

3. Жойларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин байрамини янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик руҳига ҳамоҳанг тарзда нишонлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:
а) янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, инсон қадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби эзгу ғояларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда ўз аксини топаётганини кўрсатиб бериш;
б) янги таҳрирдаги Конституциянинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга

оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролини ёритиш;

в) "Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!" деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини, янги таҳрирдаги Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилганлигини очиб бериш;

г) янги таҳрирдаги Конституциянинг тадбиркорлик ва хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича янгидан-янги ютуқлар ва натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратиб берганини кенг жамоатчилиikka тушунтириш;

д) нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оила, оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш;

ж) Конституция байрами арафасида умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида барча ўқувчи ва талабаларни қамраб олган ҳолда Конституция дарсларини, шу жумладан, атоқли ҳуқуқшунослар, олимлар, суд, адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбар ва ходимлари иштирокида ўтказиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида – Ташкилий кўмита томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг захира жамғармалари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 21 ноябрь

ҚАДР КАФОЛАТИ

▼ Муносабат



Яқинда Конституциямиз қабул қилинганига 33 йил тўлади. Бу халқимиз учун жуда катта байрам. Шу билан бирга, Бош қомусимизнинг ҳаётимиздаги ўрни, унинг инсон қадри ва адолатни таъминлашдаги мислсиз аҳамиятини яна бир бор чуқур англаб олиш учун муҳим фурсатдир.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

▼ Сайёр қабул

Юртимизда сув таъминлигини камайтириш, сувдан тежамкор ва самарали фойдаланиш масаласи Президентимиз томонидан стратегик вазифа сифатида белгиланган.



СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Сув кодексининг қабул қилиниши, шунингдек, 2025-2028 йилларга мўлжалланган сув ресурсларини бошқариш ва ирригацияни ривожлантириш

дастури соҳадаги муҳим ўзгаришлар учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

▼ Ҳамкорлик

МАҚСАДИМИЗ – МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ЯРАТИШ

Яқинда "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти ва Россиянинг Пермь миллий тадқиқот политехника университети (ПНИПУ) ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда икки томон раҳбарияти, университет делегацияси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ҳамкорликдан асосий мақсад – таълим, илм-фан ва инновациялар йўналишида мустаҳкам, тизимли ва узок

муддатли шерикликни ривожлантиришдир.

Меморандумда 500 та махсус грант ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, улар орқали корхона ходимлари масофавий тарзда ПНИПУда таҳсил олиш имкониятига эга бўлишади.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Viloyat bo'ylab

Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi davlat muassasasi TOSHKENT viloyati hududiy boshqarmasida "Vijdon erkinligi, dunyoviylik, mas'uliyat va radikal g'oyalardan ogohlik" mavzusida davra suhbatini o'tkazildi. Tadbir ishtirokchilariga "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi qonunning mazmun-mohiyati, shuningdek, davlat xizmatchisining odobi, dunyoviylik prinsipi, diniy bag'rikenglik va korrupsiyaga qarshi murosasiz munosabat masalalari batafsil tushuntirildi. Yakunda radikal g'oyalar va korrupsiyaning oqibatlarini haqida ogohlantiruvchi videorolik namoyish etildi.

TOSHKENT viloyatining qator tumanlarida ekologik vaziyatni barqarorlashtirish bo'yicha maxsus komissiya tomonidan issiqxona va korxonalarining tabiatga, havoning ifloslanishiga olib keluvchi holatlar o'rganilib, aniqlangan zararli va ekologik talablarga mos kelmaydigan faoliyat turlari joyida bartaraf etilmoqda.

OQQO'RG'ON tumanida "Qo'sha qarish saodati" tamoyili hamda "Maromiylik" loyihasi ijrosi yuzasidan ma'naviy-ma'rifiy tadbir o'tkazildi. Unda oilaviy ajrimlarning oldini olish, qarindoshlar o'rtasidagi nikohlarga chek qo'yish, milliy qadriyatlarimizga zid bo'lgan ortiqcha dabbababozlik, to'y va marosimlardagi keraksiz isrofgarchiliklarga barham berish kabi masalalar muhokama qilindi.

"Yashil makon" loyihasi doirasida viloyat hokimligi ishchi-xodimlari OHANGARON yo'li bo'ylab manzarali daraxt ko'chatlari ekishdi. Bu tashabbus viloyatda ekologik barqarorlikni ta'minlash, yashil hududlar maydonini kengaytirish va atrof-muhitni obodonlashtirishga qaratilgan. Tadbirida hokimlikning turli bo'lim va tuzilmalari xodimlari faol ishtirok etib, yo'l bo'ylari yanada ko'rkam va ekologik sog'lom hududga aylanishiga hissa qo'shishdi.

YUQORI CHIRCHIQ tumanida viloyat Sog'liqni saqlash boshqarmasi tashabbusi bilan aholining salomatligini muhofaza qilish, kasalliklarni erta aniqlash va sifatli xizmat ko'rsatish maqsadida chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rik tashkil etildi. Ko'rikda kasallik aniqlangan fuqarolarga zarur davolash muolajalari belgilanib, imtiyozli order va yo'llanmalar berildi.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига 2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;

Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;

Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати учиди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки маротаба – chorshanba ва shanba kunlari, «Ташкентская правда» газетаси эса жума кунин чоп этилади.

Обуна тахририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35



КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ: ИМКОНиятлар етарли, ҳисоб-китоблар бор, режалар аниқ

Масалан, Пискент тумани адлия бўлими бошлиғи Б. Раҳимов ташаббуси билан “Бекобод” маҳалласида яшовчи Мастура Ғуломова-га ссуда асосида тикувчилик ускуналари олиб берилди, бўш турган бинолардан бири бепул ижарага ажрати-либ, иш фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 5 на-фар фуқаро иш билан таъминланиб, оиланинг ўртача ойлик даромади 6,3 млн. сўмга етди.

Таъкидланганидек, ре-естрдаги оилаларнинг 8 минг 690 нафар аъзоси (22 фоиз) микролойҳаларда ташаббус-кор ёки банд қилинган шахс сифатида иштирок этган. Даромадлар ошгани сабаб-ли вилоят бўйича расмий ва норматив даромади бўлмаган оилалар сони 4 минг 115 тага камайиб, ҳозирда 8 минг 279 тани ташкил этмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Бироқ, хусусий корхона-ларда ишлаётган 16 минг 615 нафар меҳнатга лаёқатли камбағал аҳолининг расмий маоши ҳисоботларда акс эт-тирилмаётгани аниқланган.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 майдаги “Деҳқон хўжаликла-ри ва томорқа ер эгалари фа-олиятини қўллаб-қувватлашга

доир чора-тадбирлар тўғри-сида”ги қарорига мувофиқ, субсидия, грант, кредит ва лизинг маблағлари ажратиш маоши ҳисоботларда акс эт-тирилмаётгани аниқланган. Мазкур қарор ижроси доирасида вилоятда 353,9 млн. сўм маблағ ажра-тилиб, 20 та оила тадбиркор-лик фаолиятини бошлади. Натижада 75 нафар фуқа-ро иш билан таъминланиб,

камбағалликдан чиқарил-ди. Бироқ Бекобод шаҳри ва Оҳангарон туманида мазкур маблағларни ажратиш хануз бошланмаган, Паркент туманида эса фақат битта лойиҳа қўллаб-қувватланган, холос.

Вилоят раҳбари ҳудудда ре-естрдаги оилалар даромадини ошириш учун катта имконият-лар мавжудлигини таъкидлар экан, келгусида режалашти-рилган қатор чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, вилоятда тадбир-корликни ривожлантиришга етарли маблағлар ажратил-ган бўлиб, мазкур маблағлар ҳисобидан ҳар бир маҳалла-да камида 6 тадан, жами 5 минг 298 та оилани ссудалар билан қўллаб-қувватлаш, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали 4 минг 415 та оилани бизнесга жалб қилиш, вилоятдаги 50 мингта вақант иш ўринла-рига реестрдаги 4 минг 415

нафар меҳнатга лаёқатли фуқароларни расмий ишга жойлаштиришнинг реал ҳи-соб-китоби бор.

Умуман, 20 га яқин йўна-лишда белгилаб олинган чо-ра-тадбирларни амалга оши-риш орқали йил якунигача вилоятда камбағаллик дара-жасини 2 фоизгача тушириш мақсад қилинган.

Ёндошувга юзаки қараёт-ган, дастурлар ижросини таъ-минламаётган мутасаддилар қатъий огоҳлантирилди ва айрим раҳбарларга нисбатан чора қўриш бўйича таклифлар берилди.

Тадбир якунида мутаса-дилар ҳисоботлари ҳамда тадбиркорларнинг фикр ва таклифлари тингланди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

МАҚСАДИМИЗ — МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ЯРАТИШ

Дастур бакалавриат, ма-гистратура ва докторантура бошқиларини қамраб олади.

— Ушбу йўналиш метал-лургия соҳасида замонавий билимга эга, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни-ни жадаллаштиради, — дейди “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти раҳбари Баҳодир Абдуллаев. — Бундан ташқа-ри, намунали ва аъло баҳо-ларга ўқитган талабаларга олийгоҳ томонидан стипен-дия берилиши белгиланган. Ишонимизки, бу ташаббус ходимларимизнинг билими ва малакасини янада оширади. Айрим сабаблар туфайли ил-гари олийгоҳда ўқий олмаган ходимлар эндиликда ишидан ажралмаган ҳолда талаба

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

бўлиши мумкин. Бу саъй-ха-ракатимиз билан келгусида саноат тармоқларига малака-ли кадрлар захирасини шакл-лантираимиз.

Шу куни ПНИПУ делега-цияси учун комбинат ишлаб чиқариш бўлиmlарига экс-курсия ташкил этилди. Меҳ-монлар корхонанинг техноло-гик жараёнлари, янгиланган ишлаб чиқариш қувватлари ва муҳандислик маркази фао-лияти билан танишишди. Шу-нингдек, томонлар ходимлар тайёрлаш, кадрлар малакаси-ни ошириш ва қўшма иннова-цион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш борасида истиқ-болли масалаларни муҳока-ма қилишди.

Шундан сўнг “Яшил ма-кон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Ўзметкомбинат”-



га қарашли Футбол акаде-мияси ҳудудида кўчат экиш тадбири ўтказилди. Шу куни ҳудудга 200 туп кўчат экил-ди, шунингдек, корхона атро-фига 10 минг туп кўчат экиш жараёни ҳам бошлаб юбо-рилди.

— Бугун катталар билан бирга кўчат эдик, — дейди

академиянинг 7-синф ўқувчи-си Фирдавс. — Энди доим шу дарахтни кўкаришидан ха-бардор бўлиб тураман. Атро-фимиз яшилликка бурканса, ҳаво тозаланади. Шундай хайрли ишга ҳисса қўшганим-дан хурсандман.

Бу тадбир нафақат яшил майдонларни кенгайтириш,

балки ҳудуднинг экологик барқарорлигини мустаҳкам-лашга қаратилгани билан аҳа-миятлидир.

— Бу ташаббус комбинат фақат маҳсулот ишлаб чиқа-риш билан чекланмасдан, атроф-муҳитга масъулиятли муносабат, яшил ҳудудларни қўпайтириш ва жамият учун қўлай экологик муҳит яратиш борасида ҳам амалий ишлар-ни давом эттираётганини кўр-сатади, — дейди Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи Юлдуз Усмонова. — Бугун экилган ҳар бир ниҳол келажак авлодга тоза ҳаво, соғлом муҳит ва обод шаҳар қолдиришга муҳим ҳисса бўлади.

Холида МУСУЛМОНОВА
олган сурат

СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Дарҳақиқат, сув — ҳаёт манбаи. Сувга нисбатан муносабатимизни ўзгартириш, ҳар томчисидан оқило-на фойдаланиш бугуннинг долзарб мавзусидир. Бу масалага Тошкент вилоятида ҳам катта аҳамият қаратил-моқда.

Бука туманида Сув хўжалиғи ва-зири Шавкат Ҳамраев фуқаролар ва соҳа вакиллари билан ўтказган нав-батдаги сайёр қабулда кўп масала-ларга ечим изланди.

Учрашувда вилоятда фаолият юритаётган сув хўжалиғи ташкилот-лари раҳбарлари, туман “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ мутахассислари, кластер корхоналари ва фермер хў-жалиқлари раҳбарлари ҳамда истеъ-молчилар иштирок этишди.

Мулоқотда мамлакатимизда сув хўжалигини сомлоқ қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг асо-сий йўналишлари ҳақида батафсил тўхталинди. Хусусан, соҳани замона-вий талаблар асосида такомиллашти-риш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, янги техноло-гияларни жорий этиш ва мавжуд ин-фратузилмани модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ишлорлар юзасидан маълумот берилди.

Шундан сўнг, мутахассислар би-лан ҳамкорликда фермерлар ва сув истеъмолчилари томонидан берил-ган муаммо ва таклифлар ўрганилди, уларнинг ечими бўйича амалий чора-лар белгиланди.

— Сайёр қабулда фермер хўжали-гимизнинг 27 гектар майдонида томчи-латиб сугориш ҳамда 16 гектар ғалла майдонини сугориш учун қўмак сўраб мурожаат қилдим, — дейди “Ҳакимбек фойаз” МЧЖ раҳбари Абдуҳамид Жўра-ев. — Вазир мурожаатимни жойида ўр-ганиб чиқиб, 10 кун муддатда Кўкорол ҳудудига 3 кубдан кам бўлмаган сув

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



етказиб берилишини, шунингдек, том-чилатиб сугориш технологиялари учун банк кредити ажратилишини айтди. Бундан мамнун бўлдим. Чунки, муам-модан шахсан вазирнинг бохабар бў-лиши ва ечимини назоратга олиши кел-гусида иш унумдорлигини оширишига ишонаман.

Шунингдек, туманнинг “Навобот” МФЙ раиси Холиқберди Долибоев маҳалласи учун 2 та тик кудуқ ўрна-тиб беришни сўради. Мурожаат тез кунларда ҳал этилиши айтилди.

Сайёр қабулда шу каби ўнлаб маса-лалар қўндаланг қўйилди. Жумладан, томчилатиб сугориш технологиясини жорий этган фермер хўжалиқларини субсидия билан қўллаб-қувватлаш, ҳу-дудлардаги зовур ва дренаж тармоқла-рини ўз вақтида тозалаш, сув етказиб бериш тизимларидаги носозликлар-ни бартараф этиш бўйича таклифлар қўриб чиқилди.

Мутахассисларнинг маълумотла-рига кўра, туманда сув ресурслари-ни бошқариш, ирригация тизимини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиғи учун сув таъминотини яхшилаш бо-расида изчил ишлар амалга оширил-моқда. Ҳудудда 42 минг гектар суго-риладиган ер мавжуд бўлиб, йиллик сув истеъмоли ўртача 275 миллион куб. метрни ташкил этди. Шу миқдор-нинг 248 миллион куб. метри, яъни 90

фоизи тўғридан-тўғри қишлоқ хўжали-ғи эҳтиёжларини қондиришга сарф-ланмоқда. Сувнинг 11,5 фоизи насос-лар орқали олиниб, ҳар бир куб. метр сувни далагача етказиш таннарихи 130 сўмдан ҳисобланмоқда. Туманга кела-ётган сув ресурсларининг 70 фоизи Чирчиқ дарёси, 21 фоизи Сирдарё ва 9 фоизи коллектор ҳамда зовур сувла-ридан иборат. Ирригация инфратузил-маси 395,3 километр каналлар, 763 километр ички сугориш тармоқлари, 351,3 километр коллекторлар, 11 та насос станциялари ва 203 та мелиора-тив қудуқларни ўз ичига олади.

Сўнгги беш йилда туманда сув хўжалигини модернизация қилиш ва рақамлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 39 та “Ақлли сув” қурилмалари ўрна-тилиб, 193 та мелиоратив қудуқларга “Дайвер” ускуналари жойлаштирил-ди. Сув тежовчи технологияларни жорий этиш соҳасида ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Жами 14,7 минг гектар ерда замонавий суго-риш тизимлари қўлланилди: 3 минг 95 гектарда томчилатиб, 966 гектар-да ёмғирлатиб, 500 гектарда дискрет сугориш йўлга қўйилди, 1 минг 305 гектарда эгилувчан қувур ва плёнка-ли эгاتлардан фойдаланилди, 8 минг 800 гектар ер эса лазер ускуналари ёрдамида текисланди.

Ирригация объектларини рекон-струкция қилишга йўналтирилган 21 миллиард сўм маблағ доирасида икки йирик объектда амалга оширилган ишлар натижасида 7,8 минг гектар ернинг сув билан таъминланиши ях-шиланди, 1,5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати тикланди. Шу би-лан бирга, учта объект давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга ўтказилиб, уларда бошқарувнинг са-марали модели жорий этилди. Сув ре-сурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар натижаси-да 74 миллион куб. метр сув тежалди. Ирригация тизими фойдали иш коэф-фициенти 0,63 дан 0,65 гача оширил-ди, 8,5 километр каналлар тозаланди, 14 та гидротехника иншоотлари ва 12 та гидростанция тасмириланди.

2026 йилда ҳам туманда ирригация инфратузилмасини янада мукамал-лаштириш бўйича қатор ишлар режа-лаштирилган. Хусусан, 20 та сув хўжа-лиғи объектига “Ақлли сув” тизимлари ўрнатилиб, бошқарув жараёнлари тў-лиқ рақамли мониторингга ўтказилади. Насос станциялардаги 9 та насос ва 12 та электродвигатель таъмирланади, 50 та ёруғликдиод лампалар, 4 та частота ўзгартирувчи ускуна, 4 та конденсатор ва 2 та қуёш панели ўрнатилиши режа-га киритилган.

Сайёр қабулда эришилган натижа-лар таҳлил қилинди. Шунингдек, кам-чиликларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга вазифалар юклатил-ди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

TOSHKENT HAQIQATI

Xalq deputatlari Bo'ka tumani Kengashining sessiyasi

Xalq deputatlari Bo'ka tumani Kengashining navbatdan tashqari sessiyasida tashkiliy masala ko'rildi.

Tuman hokimi lavozimida ishlab kelgan Begmatov Baxtiyor Paxriddinovich lavozimidan ozod etildi.

Zoyir Mirzayev Bo'ka tumani hokimi lavozimiga ayni paytda Parkent tumani hokimi vazifasida ishlab kelgan Isoqulov Sardor Dadajonovich nomzodini tavsiya qildi.

S. Isoqulov tumanni kelgusida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yuzasidan taqdimot qildi.

Xalq deputatlari Bo'ka tumani Kengashi Sardor Isoqulovni tuman hokimi etib tasdiqladi.

Xalq deputatlari Parkent tumani Kengashining sessiyasi

Xalq deputatlari Parkent tumani Kengashining navbatdan tashqari sessiyasi bo'lib o'tdi.

Sessiyada Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayev tumanni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha galdagi muhim vazifalar yuzasidan ma'ruza qildi.

Sessiyada tashkiliy masala ko'rildi.

Tuman hokimi lavozimida ishlab kelgan Isoqulov Sardor Dadajonovich boshqa ishga o'tishi munosabati bilan tuman hokimi lavozimidan ozod qilindi.

Zoyir Mirzayev Toshkent viloyati hokimligi qurilish, to'siqsiz muhit yaratish, kommunikatsiyalar, kommunal xo'jalik, ekologiya va ko'kalamzorlashtirish masalalari bo'yicha kotibiyat mudiri lavozimida ishlab kelayotgan Po'latov Elmurod To'xtaboyevich nomzodini Parkent tumani hokimi lavozimiga tavsiya qildi.

Deputatlar nomzodning yaqin istiqboldagi faoliyatiga doir taqdimot bilan tanishdilar.

Xalq deputatlari Parkent tumani Kengashi Elmurod Po'latovni tuman hokimi etib tasdiqladi.

▼ Муносабат

ҚАДР КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 ноябрда им-золаган “Ўзбекистон Рес-публикаси Конституцияси кўриш ва уни ўтказиш тўғри-сида”ги Фармойиши мамла-катимизнинг ҳуқуқий, маъ-навий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Мазкур фармойиш нафақат байрам тадбирларини юқори савия-да ташкил этишни кўзда тутди, балки Конституция-мизда мужассамлашган ин-сонпарварлик ва демократик қадриятларни жамият онгига чуқур сингдиришга қаратил-гани билан муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилда янгиланаётган Кон-ституциямиз ҳақида гапирар экан, “Халқ — қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи-дир” ҳамда “Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида ва жамоат-чилик фикрини ҳисобга ол-ган ҳолда қабул қилинади”, деган тамойилларга асосла-ниб ишлаб чиқилсагина, том маънода халқимиз хоҳиш-иро-дасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишини таъкидлаган эди.

Шунингдек, Президенти-миз 2023 йил 8 майда Олий Мажлис палаталари аъзола-ри, сиёсий партиялар ва жа-моатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқиди янги-ланган Бош қонуннинг муҳим жиҳатлари ҳақида фикр бил-дирар экан, “Конституциямиз-да илк бор Ўзбекистон Рес-публикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилди. Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар қўпайтирилди. Бу — авваламбор барча соҳа-да қонун устуворлиғи таъмин-ланади, дегани”, деб алоҳида таъкидлади.

Асосий Қонунимизда бел-гиланган “инсон қадрини ҳурмат таъриф берилди. Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар қўпайтирилди. Бу — авваламбор барча соҳа-да қонун устуворлиғи таъмин-ланади, дегани”, деб алоҳида таъкидлади.

Асосий Қонунимизда бел-гиланган “инсон қадрини ҳурмат таъриф берилди. Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар қўпайтирилди. Бу — авваламбор барча соҳа-да қонун устуворлиғи таъмин-ланади, дегани”, деб алоҳида таъкидлади.

Фармойишга кўра, байрам муносабати билан мамлакат бўйлаб турли маърифий, ма-даний ва ҳуқуқий тадбирлар ўтказилиши режалаштирил-ган. Бу тадбирлар аҳолига Конституцияда кафолатлан-ган шахсий ва сиёсий эркин-ликлар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, жамиятда адо-лат устуворлиғи каби асосий ғояларни тушунтиришга қара-тилгани билан қимматлидир.

Фармойишнинг яна бир муҳим жиҳати — жойларда адолат, қонун устуворлиғи ва ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган махсус дастурлар-нинг амалга оширилишида қўрилади. Конституциядаги “адолат” тамойили — ҳуқуқий демократик давлат тизими-нинг асосий устунидир. Бай-рам муносабати билан ташкил этиладиган давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий лойиҳалар аҳолининг ҳуқуқий билимла-рини оширишга, қонунларга ҳурматни қучайтиришга хиз-мат қилиши шубҳасиз.

Конституция — инсон қадр, эркинлик, тенглик ва адолат гарови сифатида давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётини белгилаб берувчи мустаҳкам пойдевордир. Мазкур фар-мойишда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва самарали ижро этилиши эса мамлака-тимизда ҳуқуқий маданиятни давлат сиёсатининг устувор ғояларини чуқурлаштириш ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Санжар ТЎХТАЕВ,
Маънавият ва маърифат
маркази вилоят бўлими
раҳбари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



▼ Устоз журналистлар ҳақида ҳикоялар

“Солиҳжондек инсонни қисқача таъриф-тавсиф қилиш жуда мушкул. Боиси, Солиҳжон шарафли касб, нуфузли лавозим соҳиби бўлишига қарамай, ўта камтар, камсуқум инсон. У киши маҳалланинг ҳақиқий жонкуяри, ибратли онла соҳиби, фаол ташкилотчи. Маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчиси сифатида тўю маъракаларга

бош-қош. Каттаю кичик – барчанинг ташвишларига ўзиники каби муносабатда бўлади. Солиҳжоннинг ўзигагина хос бўлган яна бир фазилатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Солиҳжон лавозими, касб-коридан қатъи назар, барча дўсту биродарлари, таниш-билишларини таваллуд кунлари, байрамлар билан қутлашни асло унутмайди...”



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаларининг аъзоси, таниқли публицист ва адиб Солиҳ ака Ёкубовнинг ибратли фаолияти ҳақида у яшаётган Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги Амир Темур — ҳозирги «Лашкарбеги» маҳалласи оқсоқоллар кенгаши томонидан маҳалладошлари фикри жамланиб ёзилган ушбу сўзларни ўқидиму бу муҳтарам инсон билан бир мириқиб суҳбатлашгим келди.

Буни қарангки, чехрасидан нур таралиб турувчи бу инсон шаҳардаги бир лицейда бўладиган “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида ўтказиладиган “Уч авлод учрашуви”га ошқабатган экан. Мен ҳам шерик бўлдим.

Сўз навбати Солиҳ акага келди. У аста минбарга кўтарилар экан, тингловчиларга бир-бир қараб олди-да, сўнг сўз бошлаб, “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзуси ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб бўлмаганини ишонарли фактлар билан тушунтирди.

Солиҳ ака фақат ўзигагина хос чиройли овоз, сермаъно сўзлари билан тингловчиларни ўзига жалб қилиб олди.

Бу инсонда бунчалар нотиклиқ, дилкашлиқ, серҳикматлилик қаёқдан пайдо бўлди экан, деб ўйлаб, беилтиёр унинг ҳаёт йўлига назар ташлашга қарор қилдим.

Келинг, яхшиси бу ҳақида ёшлик йиллари Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ўтган Солиҳ аканинг ўзларидан эшита қолайлик.

— Каллахона (аслида Калонхона) деб аталадиган маҳаллага ҳозирги “Эски Жўва” бозоридан, “Қизил тут” деб номланган кўчадан

қилиб борилар эди, — деб ҳикоя қилади Солиҳ ака. — Биз яшайдиган ҳовлига яқин бўлган масжидда кечкурунлари Булбул қори бувамнинг ҳикматга тенг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш учун кўплар қатори мен ҳам борар эдим. Бу ерда қирқинчи лампалар ёруғида тонг-отар суҳбатлар бўлар, бедилхонлик, навоийхонлик кечалари ўтказилар эди. Ана шу издиҳомларда Тўлаган Хужамёров — Тавалло ҳам фаол иштирок этиб, маърифатга йўғрилган фикрлари, гўзал ашъорлари билан кўпчилиكنинг хурмати-ни қозонар эдилар.

Навбатдаги суҳбатдан кейин Булбул қори бувам Нури отин бовим ва аммаларимга шоир Тавалло жиянлари Раҳбарни танмаҳрамликка сўратганликларини айтибдилар. Шундай қилиб Тавалло Булбул қори бувамга суюкли куёв бўлиб қолдилар...

Ёш Солиҳжоннинг болалик йилларида бутун ўй-хаёлларини банд этиб олган мана шундай адабий муҳит кейинчалик унинг таниқли журналист ва иқтидорли адиб бўлишига пухта замин яратди. Мактабда бўлиб ўтган бир тадбир ҳақида ёзган илк хабарчаси ҳозирда “Тонг юлдузи” деб номланган газетанинг 1958 йил 9 ноябрь сониди чоп этилди...

Солиҳжон ўрта мактабни олтин медаль билан битирган, Миллий ахборот агентлигига хат ташувчи-куръерликка ишга кирди ва шу йиллардан бошлаб ўзининг журналистикага бўлган қобилиятини намойён эта бошлади. У ўша пайтларда чиқадиган “Қизил Ўзбекистон”, “Тошкент ҳақиқати”, “Ўқитувчилар газетаси”, “Ёш ленинчи” газеталарида мақолалари билан қатнашиб, ўзига

хос қобилияти билан кўпчилиكنинг эътиборини тортиди.

1960 йилда Солиҳжон ҳозирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталаётган олий ўқув юртига ўқишга кирди. Лекин Миллий ахборот агентлигидаги ишидан ҳам бўшмади. Ҳам ўқиш, ҳам ишлашни, қолаверса, турли мақолалар ёзишни ҳам уйдасидан чиқди. Университетнинг 3- ва 4-босқичларида факультет талабаларига амалий машғулот ўташлари учун олти ойлик таътил берилди. Шунда Солиҳжон “Тошкент ҳақиқати” газетасида амалиётни ўтаб, ўзининг журналистикага бўлган қобилиятини кўрсата олди.

Унинг қизиқувчанлиги, синчковлигини кўрган газета Бош муҳаррири Мақсуд Қorieв ҳузурига чорлаб, Шайхонтоҳур тумани социал таъминот бўлими мудир К. Ашуровнинг одамларга нисбатан ниҳоятда кўполлиги ва бошқа камчиликлари ҳақида ёзилган бир шикоятни топшириб, уни ўрганишни ва фактлар тасдиқланса бир қўлинг ўргилсин фельетон ёзишни топширди.

Солиҳжон шикоятни ҳар томонлама пухта ўрганди ва “Димоғдор” сарлавҳали фельетон ёзиб келди. Фельетон тахририят аъзоларига маъқул бўлди ва газетда эълон қилинди. Бундан Солиҳжоннинг боши осмонга етди. Аммо қувончи узоққа чўзилмади. Орадан икки кун ўтиб, фельетон қаҳрамони К. Ашуров Бош муҳаррир ҳузурига келиб мақолани тан олмаслигини, уни нотўғри ёзилган деб раддия беришни талаб қилди. Лекин унинг бу талаби “бузқоннинг югургани сомонхонагача” қабилида яқун топди. Республика социал таъминот министри номидан тахририятга бу можарога оид

жавоб хати келди. Унда мақола министриликнинг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилингани ҳамда К. Ашуров муносиб жазолангани қайд этилган эди.

Солиҳжоннинг тўртинчи босқичдаги амалиёти ҳам “Тошкент ҳақиқати”да ўтди. Бу даврда ҳам унинг қатор лавҳа ва очерклари эълон қилинди. Айниқса, “Вафодор” сарлавҳали очерки анча шов-шувларга сабаб бўлди. Очеркдан таъсирланган истеъдодли шоир ва публицист Усмон Жонгитов уни бадийи қиссага айлантиришни маслаҳат берганди ўшанда.

Олий ўқув юртини муваффақиятли битирган Солиҳжон “Ўқитувчилар газетаси”га ишга юборилди. Унинг ўша йилларда “Ўзбек шеърятининг Элъбурси” деган номга муяссар бўлган академик шоир Ғафур Ғулом ва бошқа машҳур кишилардан газета учун шеър ва бошқа материаллар ундириб келишдек маҳоратига қасбдошлари тан беришган эди...

Ҳарбий хизматни ўтаб келган Солиҳжон 1967 йил 7 январдан “Тошкент оқшоми” газетасида иш бошлади ва унинг кейинги ҳаёти мазкур тахририят билан чамбарчас боғланиб кетди.

Бу йиллар мобайнида Солиҳжон ака ёзган мақолаларнинг ҳисоби йўқ. Ҳаммасини жамласа бир неча китоб бўлади. Бунинг устига газетда чоп этилган мақолаларни тахрир қилганларини ҳам ҳисобга олсак, Солиҳжон аканинг меҳнатларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Кези келганида айтиш жоизки, иқтидорли қалам соҳиби Солиҳ аканинг меҳнатлари ҳақида қўллаб ижодкорлар тўқинланган бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров

Солиҳ акани куйидагича таърифлаганлар:

“Таниқли журналист, адиб, бузруквор инсон, қаламқаш биродарим Солиҳ Ёкубовни кўп йиллардан бери, ҳатто ҳозирги Миллий университетда тахсил олиб юрган олтишинчи йилларнинг иккинчи яримларидан бери биламан. Қачон кўрмай, кимлар орасида, даврасида кўрмай уни дарҳол танирдим, унга ғойибона аллақандай бир қондошлик туйғуларини сезардим ўзимда. Менга унинг одамийлиги, чинакам одамийлик бўлиб туюларди, Аммо бу туйғунинг қаердан чиқиб келаётганлигини ҳатто ўзимга ҳам тушунтириб беролмасдим. 70-йилларда уни Ўткир Ҳошимов, Зоҳир Аълам, Рауф Парфи, Сирожиiddин Саййид, Ҳамид Икром, Темур Убайдулло, Шукур Дадаш сингари қаламқашларнинг қувноқ давраларида учратадиган бўлдим. “Тошкент ҳақиқати”, “Тошкент оқшоми” сингари халқимизга манзур суюкли газеталарда эълон қилинган репортажлари, мақолалари, очеркларига кўзим тушди. Улар ҳаммаси жуда ишонарли, жонли, ўзбек ўқувчисига ёқадиган содда, таъсирчан усулда ёзилган бўлиб, кўп ўқувчилар ўртасида қизиқиш уйғотиб, фикрлашга чақиради. Кейинчалик билсам, таниқли журналист, жамоат арбоби Рихси Саҳибовдан оқ йўл олган, унинг сабоқлари ва йўл-йўриқларидан баҳраманд бўлган экан. Шунингдек, унга ёшлик чоғларида Мақсуд Қorieв, Саъдулла Кароматов, Зиёд Есенбоев каби етакчилар ҳам ўз устозлик сўзларини айтишган, қаламқашлик сирлари пардаларини андак бўлсада, унинг қошида кўтарган эдилар. Ҳозир Солиҳ

Ёкубовнинг “Одамийлик шеваси”, “Яхшилар ёрди менга”, “Юрак сирдоши” ва бошқа қатор-қатор китобларини ўқиганда, илк жумлалари ва ҳатто уларнинг қандай номлаганининг ўзиданоқ кўнглингиз унинг сўзлари таъсирида мумдаи эрий бошлаганлигини сезасиз, унинг саҳифалари оралаб сурурили дунёлар, энг гўзал одамийлик ичига кириб бораётгандек бўласиз. Унинг Тошкентнинг мумтоз пешқадам шоирлари Тавалло, Камий, Хислат, Мискин, Ғафур Ғулом ҳақида ёзганларини ўқиб, булар адабиётимиз учун жуда қимматли, ноёб манбалар эканлигини ҳис қиласиз. Унинг ёшлик, болалик хотиралари, ота-она, мураббийлари ҳақидаги изҳорлари эса одамни ўзига меҳриғидек тортиб олади.”

Солиҳ аканинг кўп йиллик қадрдон дўсти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов хотираларида шундай ёзади:

“Ўзбекининг “Дарахт бир жойда кўкаради” деган мақоли айнан Солиҳжон учун айтилган... У “Оқшом фарзанди” деган номга садоқат билан ҳалол меҳнат қилди. Мансабга интилмади, унинг кетидан қувмади, оддий ва камтарлигича, солиҳлигича қолди. Ваҳоланки, кўпгина нашрлар, нуфузли идоралардан лавозим-и юқори, маоши кўп вазифаларга таклиф этишганида ҳам ўзига қадрдон бўлган жамоасига содиқ қолди. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Оққўнгил, меҳридарё, бағри кенг, покиза ва ҳалол, ажойиб, камтарин дўстим зиммасидаги вазифани аъло даражада бажарганига мен ўзим шахсан гувоҳман...”

Дарҳақиқат, шунча йил бир жойда ишлаш учун Солиҳ ака бўлиш, Солиҳ акага ўқшаб танлаган касбига содиқ қолиб, унга фидойилик билан ўзини бахшида этадиган инсон бўлиш керак.

Ўзларига хос самимий дил изҳори ёзилган, каминга тақдим этилган “Умрим чашмаси”нинг бири-бирдан завқли воқеавий ҳикояларини ўқиб, унинг муаллифи Солиҳжон аканинг таниқли публицист ва адиб сифатидаги маҳоратларига таҳсин ўқидим.

Бундай жонкуяр касб заҳматкашлари ҳақида ҳар қанча ёзилса оз. Лекин ҳозирча гапни қисқа қилиб бу улўғ, айна пайтда камтарин инсонга қарата шундай демоқчиман:

*Ўзингиздан таралади нур,
Дилкушосиз, меҳрингиз бажо.
Суҳбатингиз бахш этар ҳузур,
О, нақадар эрурсиз расо.*

*Нуронийсиз эл-юрти суйган,
Арзир этсак минг бор ифтихор.
Яйраб-яйнаб меҳрингиз туйган,
Минг-мингеталаб шогирдингиз бор.*

Мурод КАЛОНХОН,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Нью-Йорк шаҳрининг янги мэри Зоҳран Мамданий Оқ уйда Трамп билан учрашди. Бу ҳақда давлат раҳбари ўз порталида Мамданийнинг аудитенция сўраганини ёзди.

“Мен ўйлаганимдан ҳам кўпроқ нарсага келишиб олдим”.

МАМДАНИЙ-ТРАМП: ОҚ УЙДА ИЛК УЧРАШУВ

Аксарият таҳлилчилар Трамп Мамданийни “жинни коммунист” деб атаган, Мамданий эса Трамپнинг “фашистик дастури”ни қаттиқ қоралаган бир пайтда кескин бўлишини кутган учрашув, аксинча, ҳамкорлик руҳи, илқ сўзлар ва аниқ ваъдалар билан ниҳонсига етди.

“Унинг яхши ишлар қилишига жуда ишонаман. Партиялар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, биз ҳар бир кишининг орузсини рўёбга чиқаришга — қучли ва жуда хавфсиз Нью-Йоркни бунёд этишда унга ёрдам берамиз”.

Оқ уй соҳиби Мамданийни Нью-Йорк мэри сайловидаги ғалабаси билан табриклаб, буни “ақлли одам-

ларга қарши ақл бовар қилмайдиган пойга” деб атади ва икки сиёсатчи қўл бериб кўришди.

Трамп, шунингдек, ёш сиёсатчининг ҳам консерватив, ҳам либерал кузатувчиларни ҳайратда қолдириши мумкинлигининг белгиларини аллақачон кўрганини қўшимча қилди.

Матбуотга сиздирилган хабарларда таъкидланганидек, президент ёпик суҳбатларда у ҳақда анча ҳурмат билан гапиргани, Мамданийнинг хариизмаси ва аудитория билан ишлаш маҳоратини эътироф этган.

Мамданий учун учрашув муҳокама-ни гоёвий келишмовчиликларга қарши эмас, балки иқтисодий масалаларга қаратиш стратегиясининг тасдиғи

бўлди. У учрашувни “самарали” ва “Нью-Йоркнинг умумэътироф этилган ва севиладиган шахарга қаратилган” деб атади.

“Биз ижара тўлови, озиқ-овқат, коммунал хизматлар, одамларни бу ерга олиб келишнинг турли усуллари ҳақида гаплашдик”.

Мамданийнинг матбуот котиби сўзларига кўра, Оқ уйга ташриф — янги сайланган мэр жамоаси учун стандарт жараёндир.

Сиёсатчилар миграция ва ноқонуний муҳожирларни депортация қилиш масалаларидаги келишмовчиликларни яширмадилар, аммо Трамп бу фарқларнинг аҳамиятини атайлаб пасайтирди. Мамданий ғалаба қозонган тақдирда Нью-Йоркни молиялаштиришни қисқартириш ҳақидаги аввалги таҳдидлари сўралганида, у “зарар етказишни эмас, унга ёрдам бериш” ниятини билдирди.

Аввалига сиёсий гаров сифатида қабул қилинган бу учрашув иккала томон учун ҳам сиёсий маневр намунасига айланди.

22–23 ноябрь кунлари Йоханнесбургда (ЖАР)да «катта йигирмалик» (G20)нинг «Бирдамлик, тенглик ва барқарор ривожланиш» шиори остида саммити бўлиб ўтди. Жаҳон иқтисодий маҳсулотининг қарий 85 фоизи, халқаро савдонинг 75 фоизи ва сайёра аҳолисининг учдан икки қисмига тўғри келадиган давлатлар раҳбарлари учта иш сессиясини ўтказдилар.

ЖАРДА G20 ЖАРГА СУЛАДИМИ?

Сессияларда глобал молиявий архитектуранинг мустаҳкамлаш, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ўсишга ўтиши, табиий офатлар хавфини камайтириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, минералларни қазиб олиш ва савдоси муаммолари, суъний интеллектни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилди.

Саммитда АҚШнинг эътирозларига қарамай, яқуний Коммюнике қабул қилинди. Оқ уй учун ҳужжатда иқлим ўзгариши мавзусининг тилга олиниши “жаҳоратли” бўлди. Аввалроқ АҚШ иқлим ўзгаришига қарши курашни молиялаштириш ташаббусларига қарши чиққан эди.

Аргентина саммит яқуний ҳужжатини “Яқин Шарқдаги

можаро масаласига бир томонлама ёндашув” туйғайли қўллаб-қувватламади.

ЖАР саммитида учта энг муҳим давлат — АҚШ, Россия ва Хитой етакчиларни иштирок этмади, бу G20 тарихида илк марта содир бўлди.

Си Цзиньпин иштирок этмаслиги сабабини изоҳламади. Путинга Халқаро жиний суднинг хибсга олиш ордери бор...

АҚШ ва ЖАР ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада ёмонлашган бир пайтда, Трамп Москва ва Пекиндан фарқли ўлароқ, саммитга ҳатто делегация юбормади. У ЖАРда оқ танли фермерлар гўеки таъқибга учраётганини ва мамлакат расмийлари бунга қарши ҳеч қандай чора кўрмаётганини таъкидлади.



Таҳлилчиларнинг фикрича, етакчиларнинг турли ваз билан ЖАРга келмаслиги саммитнинг аҳамияти тушиб кетаётганидан дарак. “Бу G20 нинг узоқ йиллик кўп томонламалик тамойили учун яхши белги эмас”.

Бугун дунёда сиёсий баланс ўзгариб бормоқда. Сиёсий Ғарб қўллаб масалаларда эндиликда ҳукмрон куч эмас, глобал Жануб мамлакатлари эса ўз янги ишончини мустаҳкамламақда. Ушбу таркибий ўзгаришларга қарамай, G20 томонларнинг мулоқотдан манфаатдор эканлиги ва умумий саяё-ҳаракатлар билан нимага эришиш мумкинлигини кўрсатишига ёрқин далил бўлди.

“Катта йигирмалик”нинг келажаги қандай?

Таҳлилчилар БРИКС+ каби форматлар муҳимроқ роль ўйнашни бошлаганига эътибор бермоқдалар. У ерда ХХР ва РФ Ғарбнинг маънавий ваъзаларини тинглашга мажбур бўлмайди. Аксарият давлатлар эса нима бўлганда ҳам кўп томонлама ҳамкорлик — коалицияни давом эттиришдан манфаатдор...

Аброр ХОН,
шаҳрловчи



ИЛМ ВА ИЖОД УЙҒУНЛИГИ

Паркентда миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бўлиб ўтди



Ҳафта давомида туман Ахборот-кутубхона марказида давра суҳбатлари, “Заковат” интеллектуал уйинлари, ёш ижодкорлар билан учрашувлар, қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Эътиборлиси, ҳар бир учрашув, ҳар бир суҳбат ёшларда илм излаш

қувончи, ижод қилиш завқини оширди. Иштирокчи йигит-қизлар муталаа, фикр ва излаш оламига янада чуқурроқ кириб бориш имкониятига эга бўлдилар. Ҳафталик тумандаги 1-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабиди



“Илм ва ижод уйғунлиги” мавзусидаги маърифий тадбир билан якунланди.

Унда меҳмон сифатида иштирок этган қалам соҳиби Абдулла Холдоров ўқувчиларга ўз шеърларидан намуналар ўқиб берди. У ёшларни ижод қилишдан чўчимасликка чақирди.

Шунингдек, “Кичик сеҳрар” шеърӣ тўплами муаллифи Шабнам Рустомова тенгдошларига изланишдан чарчамаслик, ижодга муҳаббат билан ёндашиш ҳақида самимий тилакларини билдирди.

Тадбирда марказ директори Мухайё Аҳмедова ҳам сўзга чиқиб, мазкур ҳафталиқнинг асосий мақсади ёшлар қалбига илм ва ижод уйғунлигини сингдириш, уларни маърифатпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш эканини таъкидлади.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

▼ Яхши хабар

Викорли тоғлари, бетакрор табиати ва шифобахш хавоси билан ном қозонган Жиззах вилоятининг Зомин туманида Олмалик кон-металлургия комбинатининг янги дам олиш маскани қад ростлади.

Янги маскан сизга мунтазир



Очилиш маросимида ОКМК раҳбарияти, Зомин тумани ҳокимлиги масъуллари, пудрат ташиклоти вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар Олмалик кон-металлургия комбинатиди ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси устувор вазифалардан эканлиги, масканда улар саломатликларини тиклаб, ҳордиқ олишлари учун барча шароитлар яратилганини таъкидлашди.

Меҳмонлар сўхатгоҳда яратилган шароитлар билан танишишди.

Мазкур маскан 5 гектар майдонни эгаллайди. Қурилиш

ишлари “Олмаликметаллургурилиш” трести ҳамда “Осиё Қурилиш Имкон Сервис” МЧЖ томонидан амалга оширилди. Дам олиш масканининг қурилишига 80 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Сўхатгоҳ 180 кишига хизмат кўрсатиш қувватига

эга. Бу ерда кутубхона ва ўқув биноси, сауна ва ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, дам олиш учун шийпончалар, болалар ўйингоҳлари, футбол майдони, автотураргоҳ ва автотранспортларга хизмат кўрсатиш биноси, кўнгилочар дастурлар учун алоҳида бино, 180 кишига мўлжалланган икки қаватли ошхона фаолият юритади.

Дам олиш маскани биноларининг энергосамарадорлигини ошириш мақсадида фасад қисми базальт билан қопланди. Ҳудудда тўлиқ кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Оромгоҳда тоғ арчаларидан таралаётган шифобахш тоза ҳаво ва ер қаъридан чиқаётган минерал сувлар дам олувчиларнинг нафас йўллари фаолиятини мустаҳкамлаб, соғлигини тиклайди.

Эътиборлиси, дам олиш масканининг фойдаланишга топширилиши натижасида 80 га яқин иш ўринлари яратилди.

ОКМК Матбуот хизмати

МАЪНАВИЯТГА ОШНО ЕТТИ КУН

▼ Маърифат ҳафталиги

Олмалик кон-металлургия комбинатиди бир ҳафта мобайнида “Очиқ эшиklar кунлари” ўтказилди. Унда ижодий учрашувлар, саноат объектларига экскурсиялар, комбинатнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ қизиқарли мулоқотлар ташкил этилди.

Комбинатнинг марказий таъмирлаш механика заводи, аналитик лабораторияси, саноат темир йўллар бошқармаси, 2-мис бойитиш фабрикаси ва қатор бошқа йирик тармоқларида бўлиб ўтган ижодий учрашувларда “Ёшлик” журнали, “Адолат”, “Хурият”, “Ўзбекистон овози”, “Тошкент ҳақиқати” газеталари, шунингдек, маҳаллий нашрлар вакиллари иштирок этдилар.

Журналистлар ўз нашрлари фаолияти, газеталарнинг мазмундорлиги, ахборот сиёсати ва янги лойиҳалар ҳақида сўзлаб, ишчи-ҳодимлар билан очиқ мулоқотлар ўтказдилар. Чиқишларда китоб ва газета ўқишнинг маънавий аҳамияти, интернетга боғланиб қолишнинг салбий



рини ўзига мафтун этиб келмоқда. Бундан бир неча йил аввал олти китобдан иборат бу асар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва тартов ва газета ўқишнинг маънавий аҳамияти, интернетга боғланиб қолишнинг салбий

ри тахририятда. Бири машиналар бор овозда гувилаган муҳитда, бири ҳарфлар саф тортиб турган жараёнда. Аммо бу сафар уларнинг ўртасида масофа эмас, эзгу мақсад — маърифатга интилиш бўлди.

Айниқса, учрашувларнинг бадий қисмида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ҳажвчи-ёзувчи Саид Анварнинг “теша тегмаган” ҳангомаларидан тадбир қатнашчиларининг чеҳрасига табассум таралган бўлса, ёш хонанда Бехруз Нурбоевнинг қўшиқлари рақсга чорлади.

Журналистларнинг ҳар бир чиқиши, айниқса, китоб, муталаа, босма нашрларнинг қадри ҳақида айтилган фикрлар кўпчиликини ўйга толдирди: “Сўнги пайтларда: “Интернет ривожланиб кетган тезкор замонда газета-журнал нима учун керак?” деган саволлар кўп айтилмоқда. Тўғри, ижтимоий тармоқлар тезкор ишлайди. Лекин уларни етказиб берувчиларнинг аксарияти бу соҳадан йироқ, ўқувчи олдидаги масъулиятни ҳис қилмайдиганлар. Расмий нашрлардаги маълумотлар эса, “филтрланган”, ишончли манба ҳисобланади.”

Мухтасар айтганда, комбинат раҳбариятининг ташаббуси билан ўтказилган учрашувлар ишчи-ҳодимларни маърифатга, маънавиятга янада яқинлаштирди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



таъсирлари ҳақида фикрлар билдирилди.

Мазкур тадбирлар комбинат меҳнаткашлари ва журналистлар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилди.

Мулоқотларда ишчи-ҳодимлар газета ва журналлар фаолияти, нашрлар орқали оммага етказилаётган ахборотлар билан яқиндан танишдилар. Журналистлар эса ишлаб чиқариш жараёни, технологик модернизация, янги қувватлар ва истиқболдаги лойиҳалар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Маълумки, Жалолиддин Румий ҳазратларининг “Маънавий маснавий” асари етти асрдан буён Шарқ тафаккури ва бадий калом муҳлисла-

чиқишлари комбинат ишчи-ҳодимлари томонидан олқишлар билан қарши олинди.

— Олмалик осмонида бир улкан куш учиб юради, — деди шоир. — Унинг ўткир нигоҳлари асрларга тенгдош тоғлар, беадоқ даштларда яшаб келаётган, меҳнат қилаётган одамларни кўради. Тарих ва келажак туташган бу манзилда асрларга садо бериб мисгар устанинг маъданга ишлов бераётганини ҳам, янги конни тоғанидан қувонаётган геологининг шодон ҳайкиригини ҳам, жаҳонга ўзбек тиллосини кўз-кўз қилаётган моҳир қуювчининг овозини ҳам эшитиш мумкин.

Самимий суҳбатлар чоғида қизғин савол-жавоблар ҳам бўлди.



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:

Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uimail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 21:30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1135.

2 457 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta “Toshkent haqiqati”
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tahir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.